

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

□ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

...Мақтаб кўнғироғи. Унинг жарангини эшитган ҳар қандай инсон борки тўлқинланиб, ўқувчилик даврини беихтиёр ёдга олади. Ушбу кўнғироқ овози йиллар давомида ўз фарзандидек бўлиб қолган ўқувчиларини янги йўлга қузатаётган ўқитувчи ва мураббийлар қалбини ҳам тўлқинлантириб юборади. Бу бежиз эмас. Кечагина мактабга қадам қўйган жажжи болалар бугун катта ҳаёт бўсағасида турибди. Улар энди замонавий билим ва касб-ҳуна сирларини ўргатувчи лицей ва коллежлар сари отланмоқда.

Давоми 2-бетда. ►►

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

БУГУН ПАРКЕНТДА УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛАДИ



Жорий йилнинг 26-29 май кунлари Фарғона шаҳрида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Универсиада – 2016" мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтади. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар жамоалари спортнинг 15 тури бўйича беллашади.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг ташкил этилиши ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол воёга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тизим дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, бугун халқаро миқёсда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ушбу мусобақалар ёш иқтидорларни кашф қилиш билан бир қаторда, улкан тажриба ва парвоз майдони ва-зифасини ҳам ўтаётди.

Универсиада ўйинлари 2000 йили Наманган, 2002 йили Бухоро, 2004 йили Самарқанд вилоятида, 2007 йили Тошкент шаҳрида, 2010 йили Андижон, 2013 йили Бухоро вилоятида ўтказилди. Дастлаб мусобақалар 9 та спорт тури бўйича ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб улар 15 тага етди. Булар спортнинг баскетбол, волейбол, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзю-до, таэквондо, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат, сузиш ва бокс турларидир.

"Универсиада – 2016" спорт ўйинларини нафақат фарғоналиклар, балки юртимизнинг барча ёшлари ўзгача завқ ва иштиёқ билан қарши олишмоқда.

Шулар қаторида Тошкент вилояти терма жамоаси ҳам 42 талаба-спортчи ва 10 нафар мураббийдан иборат таркибда баҳсларда иштирок этишга шай.

– Жамоамиз иқтидорли спортчи ёшлардан ташкил топган, – дейди мураббий Шухрат Келдиёров. – Улардан умидимиз катта. Финал баҳслари олдин уларнинг иродасини тоблагша, руҳий тайёргарлигини оширишга ҳаракат қилаёلمиз.

Давоми 4-бетда. ►►

□ Кучли фуқаролик жамияти сари

Таъкидлаш жоизки, сайловчиларнинг қонунчиликка оид билимларининг юксалгани мазкур жараёнларнинг очиқ-ошкора ва адолатли ўтишини таъминламоқда. Бу

эса, ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳаётий тажрибаси бой ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътибори баланд бўлган номзодларнинг сайланишида муҳим омил бўлмоқда.

ОДАМЛАР ИШОНЧИ – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Вилоятимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин давом этмоқда

Маҳалланинг халқ ва давлат ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга экани, ушбу сайловлар эртанги кун, обод ва фаровон турмушга бевосита дахлдорлигини яхши билган чинозликлар ижтимоий жараёнларда фаоллик кўрсатишмоқда. Туман бўйича 64 нафар йиғин раиси ва уларнинг 580 дан зиёд маслаҳатчиси сайланиши кўзда тутилаётди. Айни пайтгача 27 маҳаллада раис ва маслаҳатчи сайловлари бўлиб ўтди.

Жумладан, аҳолиси кўп миллатли бўлган "Нафис" маҳалла фуқаролар йиғинига раис сайлашда 61 вакил уч номзоддан энг муносибига овоз берди.

– Янги раис ишончимизни оқлашига ишонамиз, – дейди сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Бахтиёр Ускенбаев. – Маҳалладошларимизнинг фаоллиги тadbир янада жонли ва адолатли ўтишини таъминлади. Бу эса сайловда ўтказилган учрашув-

лар, суҳбатлар самарасидир. Шунингдек, раиснинг 12 маслаҳатчисини ҳам мукобиллик асосида саралаб олдик.

Фуқароларнинг муҳим ижтимоий жараёнлардаги иштироки ва фаоллиги ортиб бораётганини Оҳангарон тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, тумanning "Четсув", "Чинор", "Намуна", "Кўксарой", "Навбахор", "Ёнарлик" каби маҳаллаларида бўлиб ўтган сайловлар шундай дейишга тўла асос беради.

– Маълумки, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари зиммасида "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этишдек устувор вазифа турибди, – дейди сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Махмуд Холтўраев. – Шу боис, бу масъулиятли лавозимларга юрт тинчлиги, оила хотиржамлиги

учун қайғурадиган, халқ билан тиллаша оладиган, етарли билим ва тажрибага эга, ташаббускор, одамларни ортидан эргаштирадиган, тadbирли фуқаролар танланиши шарт.

"Чувилдоқ" маҳалласи аҳли номидан келган вакиллар икки номзоддан бирини танлаш учун сайловнинг ёпиқ овоз бериш шаклини танлашди. Санок комиссияси тақдим этган натижага кўра, 30 вакилнинг овозига эга бўлган Толиб Абдуқодиров йиғин раиси этиб сайланди.

– Раислик мансаб эмас, ав-

вало, масъулият, – дейди маҳалла фаоли Юсуф Масадиков. – Маҳалладошларимиз билан ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, спортни ривожлантириш, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, маҳаллани янада ободонлаштириш каби вазифаларни ўз дастурида илгари сурган номзодга ишонч билдирдик.

Кўтаринки руҳда давом этган сайловлар туман миқёсида ҳадемай энг муносиб 57 нафар раис ва унинг 550 га яқин маслаҳатчисини аниқлаб беради.

Вилоятимиз бўйича сайловларда эл ишонч билдирган 700 дан зиёд маҳалла етакчилари икки ярим йил муддатга ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Улар эндиликда маслаҳатчилар кўмаги билан эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни янада ободонлаштириш, оилавий тadbиркорликни ривожлантириш каби қўллаб масалаларни ҳал этиб, эл фаровонлиги ва юрт равақига ўз хиссаларини қўшиш умидида белни маҳкам боғлайдилар.

Нозима РАСУЛОВА,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ТАДБИРКОР БЎЛИБ ЭЛГА ТАНИЛДИМ»

Малика олис қишлоқда яшайдиган қариндошиникига борганини ҳеч ёдидан чиқармайди: пастак уйлар, лойсувоқ томлар, ўйдим-чуқур кўчалар... Бир боранлариди шаррос ёмғир куйди-ю, шифтдан чакка ўтиб кетди. Хонадон эгаси ўша жойга идиш қўйди.

□ Имконият

– Том босиб қолма-са эди, – хавотирланди момо. – Ўғлим ёзда томага тунука ёпмоқчи, аммо у ҳам анча қимматга тушади, дейишади.

Ушанда ёшгина қизалоқ китобларда кўриб юргани – чиройли томли уйларни кўз олдига келтирган-ди. "Катта бўлсам томлари сув ўтказмайди-ган уйлар қураман..." Кексалар унинг бу сўзларини эшитиб,

бир-бирларига маъноли қараб қўйишганди... Ўша қизалоқ бугун Окжўрғондаги "Бинокор Тошкент қурувчи" кўшма корхонаси раҳбари, вилоят "Тadbиркор аёл" уюшмаси раиси Малика Қодирхоновадир.

– Шу воқеага ҳам 30 йил бўлибди, – эслайди Малика. – Ушанда болалик орзуларим ушалишига унчалик ишонмагандим. Лекин,

ота-онамизнинг эътибори, шахсий ибрати бўлса керак, кун олиш, китоб ўқиш, индустриал маҳсулотимизга айланган эди. Мактабни аёло баҳоларга тугатгач, қизиқишларимни ҳисобга олиб, отам Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида муҳандис-технологик мутахассислиги бўйича ўқишни маслаҳат бердилар. Мактабда математика, физика фанларини чуқур ўзлаштирганим кириш имтиҳонларида қўл келди. Институтини қизил диплом билан тугатдим. Бу орада турмушга чиқиб, фарзандлар тарбияси билан машғул бўлдим.

Давоми 3-бетда. ►►

□ Маънавият

Бугун тирикликнинг тенгсиз неъматини ҳисобланган тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарорлиги таъминланган юртимизнинг қай бир манзилга борманг, улкан ўзгаришларнинг, бекиёс бунёдкорликларнинг гувоҳи бўласиз. Мустақиллик йилларида қад ростлаган

маҳобатли иморатлар, равон йўлу кўприклар, серфайз боғу хиёбонлар, намунавий турар-жойлар, замонавий маҳаллалар киши вужудига қувват бериб, руҳий кўтаринчилик бахш этади. Қалбларни қувончга буркаб, кўнгилда гурур ва ифтихор туйғулари жўш урдиради.

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Дарвоқе, сўнгги пайтларда Ватанимиз пойтахтининг нақ бикинидан жой олган қадим Занги ота зиёратгоҳига ҳеч бордингизми? Бугун бу ерда амалга оширилган ишларни кўриб, сўзсиз лол қоласиз. Зиёратгоҳ йўл ва йўлакларни хошиясидаги худди жонли гиламлардек ял-ял товланган турфа гуллару ҳузурбахш майсалардан ботиний баҳра олмасиз. Дилингиз яйраб, кўнглингиз кўтарилди. Қалбингизни фахр туйғуси чулғаб олади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан бунёд этилган бу муқаддас қадамжодаги масжид 1930 йил-

да ёпиб қўйилади. Орадан 15 йил ўтиб, расман қайта очилган бўлса-да, 1946 йилда яна ёпилиб, зиёратгоҳ дахрийлар музейига айлантирилади. Кейинчалик эса бу ерда кўзи ожизлар ётоқхонаси ва устоналар фаолият кўрсатган. Ниҳоят, истиқлол шабадаси эса бошлаган йилларда халқимизнинг талаб ва истакларига кўра, масжид ва зиёратгоҳ қайтадан очилди. Вақтида бошига не-не қора булутлар тўниб, харобага айланган Занги ота зиёратгоҳи мустақиллик йилларида тобора фойзиб бўлган айрилиб бормоқда.

Бугунги кунда бу табарруқ даргоҳга нафақат марказий Осиё, балки мусулмон олами-

нинг қўллаб мамлакатларидан зиёратчилар тўхтовсиз келиб турибди. Маъмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2014-2015 йилларда зиёратгоҳда кенг қўламли бунёдкорлик ва тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, кўрган кўз қувонадиган даражага келтирилди.

Дарҳақиқат, бу гўзалликлардан баҳраманд бўлган ҳолда, муқаддас қадамжодан тенгсиз руҳий қувват олиб қайтар эканмиз, кун сайин чиройига чирой қўшилиётган юрт манзараларига тўймай тикиламиз.

Давоми 2-бетда. ►►

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 май кун Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқбол, халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари Россия ташқи ишлар вазири кутлар экан, жорий йилнинг апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Россия музокаралари якунларига юксак баҳо берди ва бу барча йўналишларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Бугунги кунда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги келишувларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу жаҳон иқтисодиётида мураккаб ўзгаришлар рўй бераётганига қарамадан ўзаро савдо ҳажмини нафақат сақлаб қолиш, балки кўпайтириш имконини беради.

Томонлар 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлан-

тириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари оид битим доирасида рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Россия ташқи ишлар вазири самимий қабул ва ўзаро муносабатлар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. С. Лавров Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазири кенгашининг мажлиси хусусида ўз фикрини билдирар экан, Ўзбекистоннинг ШХТга самарали раислиги Тошкент саммитининг муваффақиятли ўтишини таъминлашига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг бошқа истиқболли йўналишлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

□ Жараён

ДАЛА ВА БОҒ НЕЪМАТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

Мамлакатимизда бозорларни йил давомида сабзавот, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Давоми 2-бетда. ►►

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

► Бошланғич 1-бедта.

Таъкидлаш керакики, мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йилларда бевосита Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида шаҳар ва туманларимизда кўплаб янги ва замонавий мактаб, коллеж ҳамда лицейлар барпо этилди, реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган бундай кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. 2015-2016 йилларда вилоятимиз ўқув юртларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг 300 нафардан ортиги турли халқаро фан олимпиадалари, мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллади.

Жорий ўқув йилида вилоятимиздаги умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 35 минг 500 нафар ўқувчи тамомламоқда. Мактабларда битирувчилар учун ташкил этилган маъна-

вий-маърифий тадбирлар ва ўтказилган сўровномаларда асосий эътибор ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва ўзлари қизиққан касб-хунар соҳаларига йўналтиришга қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда тегишли ташкилий ишлар амалга оширилди.

Бугунги маросимларда ўқув йилида ўз қобилияти ва иқтидори билан билимлар беллашуви, турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган ўқувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлган ўғил-қизларга "Энг ибратли ўқувчи", "Энг фаол ўқувчи", "Ижодкор ўқувчи", "Мактабимиз фахри", "Энг ораста қиз" каби бир қатор номинициялар бўйича фахрий ёрликлар топширилади.

Бу йил мактабнинг 9-синфини тамомлаётган йигит-қизлар ўзининг келгусидаги режасини мактаб маъмурияти, ота-онаси ва устозлари кўмағида аниқ белгилаб олгани шубҳасиз. Шунга мувофиқ, ҳар бир битирувчи ўзи танлаган йўналиши бўйича ўқишни лицей ва касб-хунар коллежидан давом эттиради.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТДА: Зангиота туманидаги 47-умумтаълим мактаби ўқувчилари.

Бир замонлар ўзимиз ҳозиргина босиб ўтган азим Чирчиқ ўзанида кўпириб оққан дарёдай қалби-мизда тўлиб-тошган фахр билан Юқори Чирчиқ тумани ҳудудига қадам қўйишимиз ҳамон томчида қуёш аксини кўргандай ширин энтикдик. Хусусан, "Бектемир – Фазалкент" йўлининг ўнг тарафидаги Ийк ота зиёратгоҳига борадиган чорроққина кўча четидида туман мутасаддилари ва "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят фидойилари шафеликлари билан яқинда экилган арчаларнинг саф тортган соқчилардек қатор туриши вужудимизга янада улкан мағрурлик бахш этди. Мустабид тузум "тўралари"нинг топишириги асосида ўтган асрнинг 50-60-йилларида суриб-текислаш учун келган қудратли техника ўз-ўзидан тўхтаб, жиловкорининг қўлоқлари тиришиб қолишига сабаб бўлган зиёратгоҳ остонасининг ичи-сиртида бирдек барқ уриб, сарин сабода энгил тебранаётган анвойи гуллар кўнгилга чирқок ёққандай бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб айтиш лозимки, бу муқаддас даргоҳнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Ўзбекистон Фанлар Академияси тасдиқлаган маълумотларга қараганда, ўн беш-йигирма метр

► Бошланғич 1-бедта.

келадиган тепаликда жойлашган Ийк ота сағанасининг бунёд этилиши Х-ХI асрларга бориб тақалади. Буни мустақиллик шарофати билан муқаддас қадамжой

исми эмас, бу қароматли кишининг ички дунёсинини, феъл-атворинини ёки хатти-ҳаракатинини қиёслашга қаратилган менгзовли атама. Айтишларича, Ийк ота

бор. Шу жиҳатлардан бўлса керак, бу даргоҳнинг номи ХХ асрнинг биринчи ярмига қадар "Ийк ота" атамасига "авлиё" сўзи қўшилиб, авлиё Ийк ота шаклида

этилган.

Ўзликка қайтишнинг бундай қиёсиз манзараларини кўриб, кузатиб туриб, беихтиёр Юртбошимизнинг: "Ким эдигу ким бўлди?", деган ҳақли иборалари олдида ўзини жавобгар сезади, инсон. Ҳақиқатан, биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак? Ўринли бу саволга жавоб тариқасида ҳеч бир муболағаларсиз айта оламизки, бундан атиги 25 йил муқаддам биз шўролар салтанатининг пахта яккахокимлиги сиёсатида миллий ғурур, фуқаролик эрки, диний эътиқоди занжирбанд этилган бахтиқаро маҳкумлар эдик. Ҳатто, ўз бунёдкори бўлган ота ёки онасини сўнгги манзилга кузатишдан чўчиб, олис-олисларга сафар торттишдан тап тортмас қадри қариганлар эдик.

Энди-чи?! Энди, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган ҳаётбахш ғоялар илгари сурилаётган озод ва обод юртнинг бахтиёр фуқароларимиз. Буни бунёдкор халқимиз ғайрат-шижоатининг аққол кўзгуси бўлган файзиёб гўшаларимиз ортқиқа изохларсиз ифодалаб турибди.

Жамолиддин АБДИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ



ларни, овул ва қишлоқлардаги қабристонларни тоза-лаб-тартибга келтиришдек хайрли ҳаракатлар қанот ёза бошлаган 1992 йилнинг баҳорида топилган узунлиги 75, эни 15-16 сантиметр келадиган тош юзидаги битиклардан ҳам англаш мумкин. Шунингдек, эл ичидаги кўпни кўрган қарияларнинг сўзларига қараганда, "Ийк ота" авлиё бобонинг асл

беш оға-инининг энг кенжаси бўлиб, ўз сўзидан, ўйлаган ўйидан, бошлаган ишидан қайтмайдиган қайсар, бир сўзли одам бўлган экан. Унинг халқ орасида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган: "Ихлоси баланд ҳар бир мўмин-мусулмонга яланғоч келса, кийим кийдираман, яёв келса той миндираман, фарзанд сўраганини ниятига етказаман", деган сўзлари ҳам

қўлланилган. Кейинчалик бу қўшимча истеъмолдан тушиб қолган.

Ўзига беадад шукрлар бўлсин, истиқлол имкониятлари туфайли Ийк ота зиёратгоҳи саховатга юз тутган кишилар ҳаракати билан яна зиёратчилар чинакам руҳий қувват оладиган муқаддас гўшалардан бирига айлантирилди. Даргоҳни "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимига ўтказилиши билан бу жойда катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, авлиё ота сағанасига кўтарилиш учун узунлиги 50 метр атрофидаги бежирим темир тутқичли пиллапоялардан иборат рангин йўлак, силлиқ ёштдан кўтарилган маҳобатли дарвоза, зиёратчилар учун нафас ростлаш жойлари барпо

ДАЛА ВА БОҒ НЕЪМАТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

Қибрай тумани ҳокимлигида мазкур қарор моҳиятини соҳа вакилларига етказиш ҳамда ҳудудда етиштирилган қишлоқ хўжалиги

► Бошланғич 1-бедта.



маҳсулотларини экспорт қилишда фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналарида кўмаклашиш, божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам бериш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда "Ўзагроэкспорт" иختисослаштирилган ташқи савдо компанияси, Миллий банк, Фермерлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғарма-

си мутахассислари, қайта ишлаш корхоналари, агрофирма ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинарда иштирокчиларга мутахассислар томонидан қарордан келиб чиқадиган талаб ва имтиёзлар, экспорт учун шартномалар тузиш ва тушган валюталарни сотиш ҳақида батафсил тушунча берилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигида ушбу ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, "Ўзагроэкспорт" компанияси, божхона ва банк вакилларидан иборат мониторинг штаби ташкил этилгани маълум қилинди.

Тошбек АБАЗОВ,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Бизга ёзадилар

Ким бўлиши, қайси касб эгаси эканидан қатъи назар, ҳар ким болалик дамларини ёдга олганда, албатта, жонжон мактаб ва ўқитувчиларини кўз олдига келтиради. Катта ҳаётга қадам қўяётганида ҳар томонлама кўмак берган устозларига ҳаёлан миннатдорчилик билдиради.

ИЛМ ИЗЛАШ БАХТИ

Илк бор қўлимга алифбо ва қалам тутқазиб, ҳарф танитган ва ёзишни ўргатган, кейинчалик олий илм даргоҳларига йўллаган устозларим билан бир қаторда Тошкент Давлат техника университети энергетика факультетининг "Электр техника, электр механика ва электр технологиялари" кафедраси катта ўқитувчиси Шокир Илёсовдан, айниқса, миннатдорман. Устозим билан мазкур кафедрда лаборатория ходими сифатида иш бошлаганман. Биринчи кундан бошлаб улар менга иш тартиби, муомала маданияти ва компьютер сабоқларини эринмай ўргатдилар.

Устоз берган сабоқ ва ҳўяли маслаҳатлар зое кетмади. Ҳозир Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабасиман. 68 баҳорини қаршилаган бўлишларига қарамай, ҳамон талабаларни илм чашмаларидан баҳраманд этаётган устозга чинакамга ҳавас қиламан. Рус ва француз тилларини мукамал биладиган устоз бугунги кунда инглиз тилини ҳам ўрганишга киришганлар.

"Устоз – отангдек улуғ" иборасини бир олим шундай изохлаган экан: "Отам мени йўқлик осмонидан фойил дунёга келишимга воситачи бўлди. Устозим эса мени илм бўстонига етаклаб, маънавий ҳаёт бағишлади".

Биз, ёшларни камолот сари бошлаётган Шокир Илёсов каби ўз касбига садоқатли устозлар олдида ҳамisha қарздоримиз.

Дилбар АРСЛОНБЕКОВА.

НАЗОРАТНИНГ ОЧИҚ МИНБАРИ

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёс. Президентимиз таъбири билан айтганда, оммавий ахборот воситаларини фикр-мулоҳаза-

ларни очик айтадиган минбарга айлантириш, долзарб муаммоларни олиб чиқиш ва шу асосида жамоатчилик назоратини таъминлаш бугунги кун тартибиди масалалардан биридир.

□ Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказидаги "Жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусидаги матбуот анжуманида юқоридаги масала эътибор марказида бўлди. Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутатлари, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, ОАВ ходимлари, журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок

этган тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ўтказилди.

Таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик ва

ошкоралигини таъминлаш аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлардан хабардор қилиб бориш, ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-

нинг очиклиги тўғрисида"ги Қонун мазкур йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Қонун нормаларининг жойлардаги ижро этилиши аҳолининг давлат ҳокимияти органлари қабул қилаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлишини таъминламоқда.

Матбуот анжуманида бу борадаги саяё-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Жамила РАҲИМОВА.

□ Бандлик

Қибрай туманида янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромади ва турмуш даражасини юксалтиришда Ишчи комиссия ишлаб чиққан "Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Туман бандликка кўмаклашиш марказидан олинган маълумотларга кўра, 2016 йилнинг ўтган даврида янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш ҳисобига режадаги 1 минг 725 ўрнига 1917 та янги иш ўрни яратилди. Доимий иш жойига эга бўлганларнинг 575 нафари хотин-қизлардир.

Режага кўра, бу йил туманда 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бунга, асосан, ки-

чик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва инфратузилма соҳасини, яқка тартибдаги тадбиркорлик, касаначилик ва уй меҳнати турларини ривожлантириш ҳисобига эришилди. Бунинг учун мустаҳкам асос бор. Сўнгги бир йилда бу соҳаларни ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилган иш жойлари 45-50 фоизга ошди.

Корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларини аниқлаш ва фуқароларни иш билан таъминлаш

ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ

мақсадида ҳудуддаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги имкониятлар мунтазам таҳлил этиб борилмоқда. Тегишли идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида хусусий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу йўл билан бу йилнинг ўтган даврида тижорат банкларидан ажратилган кредитлар ҳисобига 190 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларни ишга жойлаштириш бугуннинг муҳим масалаларидан биридир. Шу мақсадга қаратил-

ган чора-тадбирлар натижада жорий йилнинг ўтган даврида 195 нафар ишсиз туман ҳокимининг қарори билан захираланган иш ўринларига қабул қилинди.

Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида бу йил ташкил этилган ярмаркаларда 72 та корхона ва ташкилот 975 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбирга тақлиф этилган битирувчилар ўзлари қизиққан касб ва мутахассислик бўйича керакли маълумот ва маслаҳатлар олишди. Умуман, 2016 йилда доимий иш жойига эга бўлган фуқароларнинг 160

нафарга яқини 18-30 ёшга-ча бўлган йигит-қизлардир. Туманда мавжуд имконият ва маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, янги корхона ва хизмат кўрсатиш объектиларининг ишга туширилаётгани, ишлаб турганларининг фаолияти кенгайтирилаётгани, хусусан, фермерлик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби соҳаларнинг ривожланиб бораётгани кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераяпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври давомида деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан 591 та янги иш ўрни яратилди.

Туманда фуқароларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқитиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2016 йилнинг 4 ойи давомида бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилган 496 фуқаронинг 358 нафари белгиланган тартибда рўйхатга олинди, хоҳловчилар касб-хунар ва йўналишлар бўйича бепул ўқитишга жалб этилди.

Бир сўз билан айтганда, туманда ишловчиларга иш бор. Бунинг учун истак ва хоҳиш бўлса бас.

Юлдуз ФАЗЛИДИНОВА.

□ Ибрат

Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқ. Бу борада Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ҳам қатор ибратли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

САЛОМАТЛИК КЎМАКЧИЛАРИ

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Саломатлиқнинг ёш дўстлари" мусобақаси болажонларни соғлом турмуш тарзига ошно қилиш йўлидаги самарали қадамлардан бири бўлди. Мазкур мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда уюштирилиб, мактабларда ташкил қилинган санитария пости аъзоларининг билим ва кўнималарини, тиббий соҳадаги тажрибаларини синовдан ўтказишга қаратилган.

Вилоят бўйича 329 та мактабда ўтказилган мусобақалар ғолиби бўлган жамоалар 8 та шарт бўйича куч синашдилар. Санитар сумкаси ва унинг қўлданлигини текшириш, жароҳатланганларга ва фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш, шахсий ва жамоатчилик гигиенаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, дори-вор ўсимликлар ва уларнинг қўлланилиши каби йўналишларда беллашган ўқувчилар ҳар томонлама билимли эканликларини намойиш этишди.

Қизилқарли кечган баҳсларда Пискент тумани жамоаси биринчи, Ўрта Чирчиқ тумани ёшлари иккинчи, Зангиота тумани вакиллари эса учинчи ўринни қўлга киритишди.

Ғолибларга ташкилотнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

НОЗИМА АРСЛОНОВА.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

рақобатбардош маҳсулотлар тури ортиши ва янги
иш ўринлари кўпайишига замин яратлади

Давра суҳбати

Олмалик шаҳар "Металлург" маданият саройида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат корхоналари билан кооперацияси – худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ташкил этган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси вакиллари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш муҳим саналди. Бу жараёнда, аввало, кичик бизнес субъектларининг йирик саноат корхоналари билан ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узоқ муддатли ҳўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик база-

ард сўмдан ортқ кредит ажратгани қўл келди.

– Шу йилнинг биринчи чорагида партиямиз депутатлик гуруҳи вакиллари 23 та назорат-таҳлил ўтказди, – дейди Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси вази-фасини вақтинча бажарувчиси Тўлқин Файзиев. – 30 га яқин мансбдор шахсларнинг ҳисоботи тингланди, 100 га яқин депутатлик сўровлари юборилиб, Халқ депутатлари Кенгаши сессияларига 21 та таклиф билан мурожаат қилинди. Мазкур мурожаатларнинг 9 таси кенгашлар сессияларига киритилди.

Тадбирда маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда рақобатбардош маҳсулотларни янада кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, Олмалик шаҳар ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг шаҳар саноати ва ишлаб чиқариш ривожлантириш юзасидан ҳисоботи тингланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ҚИСКА ВА ЛЎНДА

Юқори Чирчиқ туманидаги Арғачи қишлоқ фуқаролар йиғинида "Юрт тинчлигига барчамиз масъулмиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этган мулоқотда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, унинг беқийс аҳамияти, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, одам савдоси ва оммавий маданият таъсиридан сақланиш тўғрисида сўз борди.

Миллий матбуот марказида "Дори-дармон" акциядорлик компаниясининг навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Унда компания томонидан юртимиз аҳолисининг сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолига маълумот берилди.

Мамлакатимизда статистика тизимида кенг жамоатчилик учун янада қулай шарт-шароитлар яратилиш ҳамда уларни очик, яшновчи ва долзарб маълумотлар билан таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мулоқотда мазкур йўналишда Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз борди.

Ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Интилиш

Янгийўл туманилик тадбиркор Икром Ваҳобов ўз фаолиятида бир қатор имтиёз ва преференциялардан фойдаланиб келаяпти. Сабаби, у ташкил этган тикувчилик цехи "оилавий корхона" мақомига эга.

ОИЛАВИЙ КОРХОНА БАРАКАСИ

Дастлаб фақатгина оила аъзолари иштирокида иш бошлаган корхона қисқа фурсатда 30 чеварлик жамоага айланди. Илк даромад ҳамда молия муассасаси мадади билан Хитой давлатидан замонавий тикиш-бичиш, қолип-лаш, безаклаш уску-

налари олиб келинди. Оилавий корхонада ойига 2 минг донадан ортқ, 20 турдаги кийим-кечак тайёрланапти. Тадбиркорнинг мақсади бу миқдорни ошириш ва маҳсулотларини экспортга ҳам йўналтиришдир.

Ўз мухбиримиз.

Дарвоқе

Балиқни "луқмаи ҳалол" дейишади. Унинг таркибида киши организми учун зарур оксил моддалари, В, А, Д, Е витаминлари, кальций, фосфор, темир ва аминокислоталар бисёр. Бундан ташқари, балиқ ва денгиз маҳсулотлари таркибида йод, рух, марганец, мис ва бошқа

минерал элементлар миқдори кўпчилиги билан ҳам фойдаланиб, В, А, Д, Е витаминлари саратон касалликларининг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади. Таурин эса кўплаб аминокислоталарнинг синтезланишини яхшилаб, қондаги холестерин меъёрини ушлаб туради.

ОВНИНГ ҲАМ МАВРИДИ БОР

Балиқ гўшти тиш ва милкнинг шаклланишига, юзининг тиниқлашишига ҳамда сочининг соғлом ўсишига ёрдам беради ва бактериял инфекцияларга қарши курашади. Балиқ ёғида тайёрланган таомлар чарчоқни қолдиради, ақлий ва жисмоний қобилиятни оширади.

Мавлумотларга кўра, Ўзбекистонда 80 га яқин балиқ турлари мавжуд. Ов мавсуми куз ойларидан бошланиб, март-апрелгача давом этади. Бу даврда сувнинг ҳарорати 14 даражадан паст бўлиб, балиқлар ортқча озикланмай, истеъмол учун яроқли ҳолга келади. Апрель, май ойларида вилоят ҳудудидаги барча очик сув ҳавзалари, жумладан Чорвоқ, Анҳор, Тўябўғиз сув омборлари, Сирдарё, Чирчиқ, Охангарон дарёлари ва Қорасув, Анҳор, Бўзсув каналларида балиқларнинг урчиш мавсуми бошланади. Бу даврда балиқлар сувнинг саз ёйлари, дарёларнинг бошланиш

қисмига кўтарилиб, увилдирик қўяди. 40 мингта увилдирикдан бор-йўғи 40 донга балиқ тўлиқ вояга етади. Шу сабаб мавсум бетафлот ўтиши, балиқ турларини сақлаб қолиш мақсадида 10 мартдан 31 майгача балиқларнинг урчиш даври деб эълон қилинган.

Балиқ захираларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг буйруғига асосан балиқларнинг урчиш мавсумида уларни овлаш тақиқланади. Амалдаги қонунларга кўра, яширин ов қилган балиқчиларга қўлланиладиган жарима миқдори ҳам бир неча бор юқори бўлади.

– Мавсумда балиқ овлаш бригадаларининг моторли қайиқлари, ов турлари вақтинчалик назоратга олинади, – дейди вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси инспектори Азизбек Азимов. – Ўғринча овчиларга қарши курашиш учун назорат қилувчи

"Аёл киши учун биринчи навбатда оила, фарзанд тарбияси зарур", дердилар қайнотам. Шу сўзларга амал қилиб, болалар тарбияси билан жиддий шуғулландим. Кўз очиб юмгунча 16 йил ўтиб кетибди... Шундан сўнг ота-онам, қайнотам, қайнотам дуоси, умр йўлдошимнинг қўллаб-қувватлаши билан иш бошладим. Дастлаб, трикотаж маҳсулотлари корхонасида иқтисодчи-ҳисобчи, кейинчалик муҳандис-технолог, ниҳоят модельер-дизайнер сифатида фаолият юритдим. Истиқлол туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди, тадбиркор аёллар қўллаб-қувватланди. Ҳукуматимиз аёллар учун яратган кенг имконият имтиёзлар мени янги-янги излашларга ундади. Пухта ўйланган истиқболли бизнес режа асосида кредит олиш учун банкка мурожаат қилдим. Шу кредит ҳисобида 2007 йилда қурилиш материаллари савдосига ихтисослашган кичик корхона ташкил этдик. Кейинчалик маҳаллийлаштириш дастури асосида металл чере-

пица ишлаб чиқариш-ни йўлга қўйдик. Аста-аста 3 кишилик жамоада 19 ишчи меҳнат қила бошлади.

Раҳбарнинг маҳорати иш жараёнида билинади. Ишнинг кўзини билган киши йўлдан адашмайди. Энг

2016 йилдан замонавий уй-жой қурилишларида қўлланаётган капеллярли сендвич панеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу том ёпиш

сия давлатларида ҳар йили малака ошириб, тажриба алмашиб келишади.

Ҳозирча керакли хом ашёни хорижий давлатлардан олиб

Имконият

«ТАДБИРКОР БЎЛИБ ЭЛГА ТАНИЛДИМ»



маҳсулотлари ҳозир жуда харидорғир. Авваллари маҳсулотларимиз Россия ва Қозғистонга экспорт қилинган бўлса, бу йилдан ҳамкорларни кенгайтираёпмиз. Корхонамиз Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро кооперация биржасида мунтазам иштирок этади. Бу жамоамизни доимий излашишга ундаяпти. Улар Хитой ва Рос-

келаяпмиз. Келгусида улар ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилишига ишонаман.

Ҳар йили корхонамизда коллеж битирувчилари амалиёт ўтади. Уларнинг "Менинг бизнес-гоям" кўрик-танловида иштирок этишлари ёшлар орасида бу соҳага қизиқишни кучайтирди. Уч нафар битирувчи танловнинг республика бос-

қичида голиб бўлиб, 6 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлишди...

Хуллас, "Бинокор Тошкент қурувчи" қўшма корхонаси бугун иқтисодий жараёнлар ривожига муносиб улуш қўшмоқда. 62 минг 500 АҚШ долларлик инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

...Шу кунларда Маликаҳоннинг ўша олис қишлоқдаги қариндошлари, кекса онахоннинг ўғил-қизлари, неваралари яшаётган намунали уй-жойларда тўй тараддуди. Бу уйларда ёш оилалар яйраб-яшнаб умргузаронлик қилишлари, фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашлари учун барча қўлайликлар яратилган. Маликаҳон каби тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар эса, вилоятимиз, Ўзбекистонимиз кўрқига кўрк қўшиб турган иншоотлар янада мустақам бўлиши учун хизмат қилаверади...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг моҳияти, давлат ва жамият ривожидagi аҳамиятини ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.



«Сиз қонунни биласизми?»

Қибрай молия-иқтисодий касб-ҳунар коллежиди мазкур ҳуқуқий саводхонлик танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суд, Миллий телерадиокомпания, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказиладиган аънавий танловнинг навбатдагисида ҳудудий босқичларда голибликни қўлга киритган Бек-обод шаҳрининг "Соҳибқирон", Олмалик

шаҳрининг "Парламент", Оққўрғон туманининг "Қамолот" ҳамда Паркент туманининг "Баркамол авлод" жамоалари баҳслашилди.

Бешта шарт асосида кечган мусобақа натижаларига кўра, оққўрғонлик ёш ҳуқуқшунослар голиб чиқиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш йўли-масига эга бўлишди.

Яқунда голиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Аваз ИСРОИЛОВ,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

сифат ва самарадорлик омили

Бозорни рақобат бошқаради, дейишади. Демак, муайян маҳсулотга бўлган талабни бир маромда ушлаб туриш осон иш эмас. Бунга эришиш ишлаб чиқарувчидан муттасил изланишни, интилувчанликни талаб этади.

Мутахассис тавсия этади

Соддароқ қилиб айтганда, со-тув баҳоси деярли ўсмаган ҳолда, таркиби, ҳажми, истеъмолга яроқлилиги, сифати ва бошқа мезон-лари харидор фойдасига ўзгар-ган маҳсулотга бозордан мустақам ўрин олади. Бугунги куннинг мана шу табиий ва ҳаётий талабига таяниб иш кўрган кор-хона асло ютказмайди. Маҳсулот таннархини шакллантириш эса энергия ресурслари сарфи билан бевосита боғлиқдир.

Бинобарин, мамлакатимиз ин-вестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ре-сурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори техноло-гияли ишлаб чиқаришларни таш-кил этишдан иборатдир. Бугун саноат тармоқларини ана шундай замонавий ва илғор технология-ларга асосланган ҳолда модерни-зациялаш, уларни, айниқса, ёқил-ғи-энергетика ресурслари сарфи борасида тежамкор ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган ис-тиқболли лойиҳалар рўёби ички бозорларни ўзимизда ишлаб чи-қарилган хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида мам-лакатимизнинг табиий бойлиқла-ридан оқилона фойдаланиш им-конини ҳам беради.

Афсуски, бугун кўпгина кор-хоналарда маънавий эскирган ва ностандарт қурилмалардан фой-

даланиш, уларнинг назорат-ўлчов асбоблари билан таъминланма-ганлиги, қўлбола газ ёндирғичла-ридан фойдаланиш, асбоб-уску-наларни қиссий кўрик ва солов-дан ўтказмаслик натижасида та-биий газнинг беҳуда исроф бўли-ши ҳолатлари қўзғатилмоқда. Бун-и, айниқса, пишган гишт ишлаб чи-қариш корхоналари мисолида кўриш мумкин.

Масалан, шундай корхоналар-да печларнинг ёниш жараёнини автоматик тизимга ўтказиш ор-қали 2 фойзгача, маҳсулотни ку-ритиш, қиздириш жараёнида ке-ракли хароратнинг бир маромда бўлишини назорат қилиш билан 5 фойзгача, хом ашё таркибида кўмир кукунларидан фойдаланиш орқали 10-12 фойзгача, хом гишт-ни қуруқ усулда тайёрлаш орқали 15 фойзгача табиий газни икти-сод қилиш мумкинлиги ҳисоб-ки-тоблардан маълум.

Кези келганда, "Ўздавнефтегаз-инспекция"нинг вилоят бўлими мутахассислари бу борада тад-биркорларга елкадош бўлиб, уларга барча зарурий кўмак ва тавсиялар беришга тайёр экан-ликларини таъкидлашни истар-дик.

Жамол САЛИМОВ,
"Ўздавнефтегаз-инспекция"
вилоят ҳудудий бўлими
бош технологи.

Эълон

«KO'CHMAS

MULK SAVDO

XIZMATI» МЧЖ

Тошкент минта-

қавий филиали

бошлангич баҳо-

си босқичма-

босқич ошиб

бориши тарти-

бида ўтказила-

диган очик аук-

цион савдосига

таклиф этади!

Аукцион савдосига

Чиноз туман СИБ то-

монидан, ФИБ Куйи

Чирчиқ туманлараро

судининг 2015 йил 18

декабрдаги ижро ва-

рақасига асосан хат-

ланган, Каримова

Гулнора Сайдакуло-

вага тегишли, Тош-

кент вилояти, Чиноз

тумани, Тиллатопан

аҳоли пункти ҳудуди-

да жойлашган, умум-

ий фойдаланиш

майdonи 600 кв.м,

майdonи 74,16 кв.м

бўлган тураржой

қўйилмоқда. Бошлан-

гич баҳоси - 126 128

212 сўм.

Аукцион савдоси

2016 йил 27 июнь кўни

соат 11.00 да бўлиб

ўтади. Аризалар рас-

мий иш кўнлари соат

10.00 дан 16.00 гача

қабул қилинади (13.00

дан 14.00 гача тушлик

вакти). Аризаларни

қабул қилишнинг

охирги муддати 2016

йил 24 июнь кўни соат

18.00 гача.

Кўчмас мулк

объектлари билан те-

гишли суд ижрочили-

ри бўлимининг ваки-

ли иштирокида бевос-

ита жойига чиқиб

танишиш.

Талабгорлар мулк

бошлангич баҳоси-

нинг 10 фойзидан кам

бўлмаган миқдорда

закалат пулини, тўлов

ҳужжатида ижро ҳуж-

жати рақами ва сана-

сини кўрсатган ҳолда

"Ko'chmas mulk savdo

xizmati" МЧЖ Тошкент

минтақавий филиали-

нинг "Ипак йўли бан-

ки" АЙТБ Саёгон фи-

лиалидаги х.р.:

20208000404920609021,

МФО 01036, ИНН

207122519 га тўлаш-

лари шарт.

Савдо ўтказиладиган

манзил: Тошкент

шаҳри, Олмазор ту-

мани, 1-Қорақамиш

кўчаси, 1-А уй. Тел./

факс: (0371) 228-78-

96. www.1kms.uz.

rieltavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

"Универсиада - 2016" спорт ўйинлари 26 май кунини Фарғона шаҳрида старт олади. Ёшлик, гўзаллик ва нафосат байрамида 1 минг 68 нафар спортчи ва мураббий, 155 нафар ҳакам ҳамда юртимизнинг машҳур спортчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашиши режалаштирилган. Беллашувлар 12 та спорт иншоотида ўтказилади.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида ёқиладиган машъала Паркент туманидаги "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтинида қуёш нурларидан ўт олдирилади. Машъалани Паркентдан Фарғона шаҳрига олиб бориш харитаси тузилган бўлиб, йўналиш масофаси 364,5 км, шундан 338,5 км автомобиль ва 26 км спортчилар эстафетасидан иборат. Тошкент, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида машъала шарафига кенг жамоатчилик иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Албатта, машъаланинг Паркентдан йўлга чиқиши вилоятимиз спортчилари зиммасига янада масъулият юклайди. Машъала ёқиш билан универсиада

Бошланиши 1-бета.

БУГУН ПАРКЕНТДА УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ ЁҚИЛАДИ



Иммаев, Ойбек Тожиев, Геннадий Левченко, Жасур Шукуров, Баркамол Шодмонов сингари умидли спортчиларимиз бугунги кунда ўз маҳоратлари билан тенгдошларидан ажралиб турадилар.

– Бу сафарги дўстлик ва спорт байрамида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламиз, – дейди дзюдо бўйича вилоят жамоаси аъзоси Жасур Шукуров. – Зеро, бу каби мусобақалар бизда ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлаш билан бир қатор

да, янги-янги марралар сари ундайверади.

Соғлом ва баркамол авлод буюк келажак бунёдкоридир. Уч босқичли спорт мусобақаларида қатнашиб, кейинчалик халқаро майдонларда ўзини кўрсатган дзюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин ҳамда Лондон Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек спортчи қизлари орасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари совриндори, Халқаро шахмат федерацияси устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч қарра жаҳон чемпиони Руслан Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивиц, Осиё ўйинлари қолбаси Ойлия Тарасова, сузиш бўйича кўлаб рекордлар соҳибалари Раёна Амонова, Юлдуз Қўқорова, бадий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа қолбаси Азиза Мамажонова каби спортчилар билан бугун ҳақли равишда фахрланамиз.

Бу галги универсиадада ҳам кўлаб умид юлдузлари порлаши, янги ва навқирон истеъдодлар кашф этилишига асло шубҳа йўқ. **Фарҳод ТОЛИПОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



Соғлом она ва бола йили муносабати билан уюштирилган беллашувдан мақсад хотин-қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва шу орқали турли касб касалликларида муҳофаза қилишдир.

Мусобақада 150 дан ортиқ таълим тизими ходимлари спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, мини-футбол ва волейбол каби турлари бўйича беллашдилар. Қизгин ва мурасасиз кечган мусобақа спорт байрамига айланиб кетди.

Якуний натижаларга кўра, 32-мактаб жамоаси волейбол, 45-мактаб эса

НАЗОКАТДА ТЕНГСИЗ, ШИЖОАТДА ЎРНАК

Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси Зангиота тумани кенгаши томонидан аёллар ўртасида спартакиада му-

собақалари ташкил этилди. Тўққизинчи бор ўтказилаётган мусобақага 45-умумтаълим мактаби меҳмонлик қилди.

Аёллар спартакиадаси

мат, шашка, стол теннис, мини-футбол ва волейбол каби турлари бўйича беллашдилар. Қизгин ва мурасасиз кечган мусобақа спорт байрамига айланиб кетди.

Якуний натижаларга кўра, 32-мактаб жамоаси волейбол, 45-мактаб эса

мини-футбол бўйича ғолибликни қўлга киритди. Шахматда 56-мактаб ўқитувчиларига тенг келадигани топилмади. 18-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Озода Мўминова стол теннис бўйича ғолибликка эришди. Шашка бўйича биринчи ўрин 30-ихти-



сослаштирилган МТМ тарбиячиси Шахноза Зиёевага насиб этди.

Ўз мухбири.
Даврон АХМД
олган суратлар.

ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Қибрай энергетика касб-хунар коллежиди "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Беллашувда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган Ангрен шаҳрининг "Ифтихор", Бўка туманининг "Демократия", Оққўрғон туманининг "Турон", Паркент туманининг "Баркамол авлод" ва Қибрай туманининг "Зиёкор" жамоалари ғолиблик учун курашишди.

"Ташриф қоғози", "Куч – билим ва тафаккурда" ҳамда "Ёшлар – мустақам оила ва бахтли келажак иштирокчиси" дея номланган шартларни бажаришда қатнашчилар ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Жамоалар ҳамкамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Мусобақа натижаларига кўра, Паркент туманининг "Баркамол авлод" жамоаси танловининг республика босқи-

чига йўланмани қўлга киритди.

Аваз БЕКОВ.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



Учрашув

Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодий касб-хунар коллежиди "Замонамиз қаҳрамонлари" лойиҳаси доирасида ўқувчи-ёшлар халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефереси Равшан Эрматов билан учрашдилар.

«ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ»ДА

Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларимизнинг спорт, санъат ҳамда фан-таълим соҳаларида қўлга киритган ютуқлари ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан ёшлар янада чуқурак та-

ништирилди. Учрашув жараёнида Равшан Эрматов бугунги кунда мамлакатимизда футболни янада омалаштиришга қаратилаётган катта эътибор, жаҳон футиболида Ўзбекистон жамоаларининг эришаётган ютуқлари ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Тадбир давомида ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. **Махлиё ИСРОИЛОВА.**



ЭШКАК ЭШИШ. Германияда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтган жаҳон кубогининг биринчи босқичида тажрибали спортчимиз Алексей Мочалов муваффақиятли иштирок этди.

500 метр масофага байдаркада эшкак эшиш бўйича яқаллик баҳсларида А. Мочалов бронза медали билан тақдирланди.

Ж. ТОШҲЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.



ТЎГАРАКЛАР ДОИМО ГАВЖУМ

Ёзги таътил арафасида таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, ўзлари истаган спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шaroитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёз – 2016

Куйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежиди спортнинг шахмат-шашка, стол теннис, мини футбол, волейбол, таэквондо (ITF) бўйича мураббий Мирзабек Қушманов, таэквондо (ITF) каби турлари бўйича тўғарақлар ташкил этилган. Тўғарақ машғулотларида шуғулланаётган 500 дан ортиқ ўқувчи малакали мураббийлар спорт сирларини пухта ўргатмоқда.

– Ёзда тўғарақлар машғулотлари сони кў-

пайтирилиб, вақти узайтирилади, – дейди таэквондо (ITF) бўйича мураббий Мирзабек Қушманов. – Чунки таътил даврида бўш вақти бўлган ўқувчилар бир пайтда бир неча спорт тури билан шуғулланишга ҳаракат қилади. Мавсумнинг янада мазмунли ва эсда қоларли ўқувчи таъминлаш мақсадида ички мусобақалар ўтказамиз, машҳур спортчилар билан учрашувлар ташкил қиламиз.

Коллежнинг иқтидорли спортчилари – Севара Норкулова, Жаҳоҳир Рўзибеков, Бекжон Абдухамидов таэквондо (ITF) бўйича 2015-2016 йилларда мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Ҳозир мазкур спорт тури билан шуғулланаётган 80 дан ортиқ йилгит-қиз вақти узайтирилган машғулотларни бошлаб юборган.

Ёзги таътил вақтида таълим муассасаларида оромгоҳларга жалб этилмайди ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган бу каби спорт тўғарақлари барча таълим муассасаларида ташкил этилмоқда.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Кўргазма

ЛАШКАРАКДАН ХУМСОНГАЧА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Бадий академия, рангтасвирчи рассом Йигитали Турсунназаровнинг "Севадан сизни" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Экспозициядан ўрин олган икки юздан ортиқ тасвирий санъат намуналарида мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор табиати, дала ва боғларда етиштирилаётган ноз-неъматлари, турли касб эгалари ва маданиятимиз арбоблари портретлари, йил фасллари, миллий қадриятларимиз, Амир Темур ҳаётидан айрим лавҳалар акс этган.

Намоиш этилаётган асарлар орасидан жой олган Тошкент вилояти табиатининг гўзал манзаралари алоҳида меҳр ва иштиёқ билан чизилган. Айниқса, "Ангрен тоғлари", "Чирчиқ воҳаси", "Қибрай даласи", "Бўстонликда оқшом", "Оқтошда қиш", шунингдек, сўлим Хумсон қишлоғи ҳаётига доир ижодий ишлар илҳомландирган бефакр қолдирмади.

Рангтасвирнинг реалистик мактаби асарларидаги асосий сиймолар ўз ҳаётларини меҳнат билан боғлаган оддий кишилардир. Шунингдек, унинг ижодида портрет жанри алоҳида ўринга эга.

Кўргазма 8 июнга қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Мамлакатимизнинг шимол-шарқий ҳудудида, Тошкент шаҳридан 35 километр узоқликда, вилоятимизнинг Бўстонлик ва Паркент туманлари ҳудудларида жойлашган Чотқол Давлат биосфера қўриқхонаси ҳам ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. 1947 йилда асос солинган қўриқхонанинг умумий ер майдони 35 минг 724 гектарни ташкил этиб, 2 та – Майдонтоғ ва Бошқизилсой бўлимларини ўз ичига олади. Майдонтоғ бўлими Чотқол тоғ тизмасининг бориш қийин бўлган шимолӣ тизмаларида, денгиз сатҳидан 1200-3800 метр баландликда, Бошқизилсой бўлими эса жанубий-ғарбий ён бағирларида, денгиз сатҳидан 1100-3247 метр баландликда жойлашган.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, қўриқхона Ғарбий Тянь-Шаннинг ноёб биохимла-хиллигини сақлаш, ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қамбас ва эндемик турларини асраб-авайлаш, энг муҳими, аҳолини тоза ҳаво ва сув билан таъминлаш ҳамда тоғ ён бағирларини турли эрозиялардан ҳимоя қилишда бекиёс аҳамият касб этади. Фақат бугина эмас, қўриқхонада тоғ ва тоғолди арчазор ўрмонзорларни, шунингдек, қамбас ва йўқолиш арафасидаги ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаш, кўпайтириш бора-сида қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки бу ҳудуд ҳақиқатан ҳам табиатнинг ноёб дурдоналаридан бири. Таъбир жоиз бўлса, ёзининг саратон кунларида ташриф буюрсангиз бу ерда йилнинг тўрт фаслига рўбарў келасиз. Қўриқхонанинг қуйи қисмида аллақачон пишиб етилган дархатлар меvasидан татиб кўрсангиз, ўрта қисмида энди гулга кирган бутазорларни кўриб, гўёки баҳорга дуч


келасиз. Унинг юқори қисмини она табиатга доимий яшиллик бахш этувчи арчазорлар эгаллаган. Янада юксакроғида эса доимий қорлар ва баланд чўққилар ҳукмронлик қилади. Ана шундай мўъжизанинг ўзи бу макон.

Қўриқхона ходимларининг бутун саяё-ҳаракати

Она юрт манзиллари

ЧОТҚОЛНИНГ МАНГУ ЛАТОФАТИ

Мамлакатимиз тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторида туради. Маълумотларга кўра, республикаимизда етти мингдан ортиқ меъморий ва археологик обидалар мавжуд. Аммо, сўнгги йилларда ташриф буюрган меҳмон ва сайёҳларни нафақат халқимизнинг бундай бебаҳо мероси, балки юртимиз табиатининг гўя ранг-баранг ва бетакрорлиги ҳам ўзига ром этмоқда.



ва асосий фаолияти бўлган илмий изланишлари ҳам ана шундай табиат инъомини асраб-авайлаш, ривожлантиришга йўналтирилган. Жамоа, аввало, Ўзбекистоннинг "Кизил китоби"га киритилган манзарали, доривор ўсимликлар коллекциясини яратиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллигини сақлаш, бойитиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.


Қўриқхонанинг ўсимлик дунёси ҳақиқатан ҳам ранг-баранг. Бу ерда ўт-ўлан,

ри, совун илдиз, Пском пиёзи, минчак тасилули, нор широк, ёввойи сазлагул ва бошқаларни мисол қилиб келтирса бўлади.

Ҳайвонот олами ҳақида гап борар экан, бу ерда Ўзбекистон ва Халқаро "Кизил китоб"ларга киритилган ҳайвонларнинг 18 тури яшаётганлиги унинг қанчалик бой ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди. Хусусан, Тянь-Шань кўнғир айғири, қор қоплони, мензбира суғури, қора тасқара, дашт қумойи ва гов қаптарлари шулар

Албатта, Чотқол Давлат биосфера қўриқхонасидаги қанчалик бой ва аҳамиятли ҳайвонот оламини сақлаш, келгуси авлодларга бетафлот етказиб бериш бугунги кундаги энг катта вазифа. Қўриқхона давлат нозирлари зиммаларидаги бу масъулиятни ҳис этган ҳолда, белгиланган чора-тадбирлар доирасида кечаю-кундуз қизгин иш олиб боришмоқда.

Холтур СУВОНОВ,
Уғом-Чотқол Давлат миллий табиот боғи бош директори.



Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Маълумотлар:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:

233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:

233-81-21, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:

233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:

233-81-21, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бопқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи
Юлдузхон МУХИДДИНОВА

Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ